

“Тасдиқлайман”  
Ёшлар сиёсати, ижтимоий  
ривожлантириш ва кадрлар  
бўйича директори



К.И.Алияров  
20\_\_ й.

## «Sirdaryo IES» АЖда маънан ва жисмонан эскирган мебелларни янгилаш юзасидан

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ №\_\_\_\_\_

#### 1. Буюртмачи реквизитлари.

«Sirdaryo IES» АЖ, тел:764-59-43, 764-53-34,  
www.sdtes.uz. E-mail:info@sdtes.uz

Реквизитлари:

СТИР 201169179, ОКЭД 35111

Банк маълумотлари

Х/р 22604000800201190999

«Узсаноаткурилишбанк» АТБ Сирдарё минтақавий филиали  
МФО 00855

#### 2. Ҳизмат тури.

Буюртмачининг талабига асосан ҳар-хил турдаги мебел жихозларини ясаш, етказиб бериш ҳамда ўрнатиш.

#### 3. Ҳизматга қўйиладиган талаблар.

Буюртмачининг талабномасига асосан ҳизмат амалга оширилиши шарт.

Ҳизматга асосан олиб келинадиган маҳғсулотларнинг сифати талаб даражасида ҳамда агрессив муҳитга чидамли бўлиши (сифатсиз маҳсулот қабул қилинмайди ва ортга қайтариб берилади).

Бажарувчи ҳизматларни белгиланган вақтдан кечиктиргмаган ҳолда амалга ошириши шарт (акс ҳолда келишувдаги “шартномадаги” сумманинг 0.4% миқдорида кунлик пена ундириб борилади).

#### 4. Ҳизмат учун кафолат муддати.

Бажарувчи томонидан ҳизмат, Буюртмачига топширилганидан сўнг 24 ой кафолат бериши шарт.

#### 5. Ҳавфсизлик талаблари.

Бажарувчи, Буюртмачининг сирларини саклаши, объектнинг иш фаолияти тўғрисида ҳамда шартнома ҳақида ҳеч кимга овоза қиласлиги, объектга кириш ва чиқиш талабларини тўлақонлик бажариши шарт.

#### 6. Ҳизматни амалга ошираётганида ҳавфсизлик чоралари.

Бажарувчи, объектга кирганида инструкторларинг талабларини бажариши, ҳавфсизлик чораларини корхонада белгиланган тартибда бажариши шарт.

#### 7. Ишлар ва хизматлар бажарилиш манзили (объекти)

«Sirdaryo IES» АЖ Манзил:120129, Ўзбекистон Республикаси Ширин ш., Энергетиклар кўчаси 7 уй.

**8. Бажариладиган ишлар ва хизматлар учун асословчи ҳужжатлар.**

«Sirdaryo IES» АЖда 25.12.2021 йилда ўтказилган йигилиш баённомаси.

**9. Буюртмачининг реал эхтиёжларини хисобга олган холда бажарувчидан талаб қилинадиган ишлар хизматлар ва уларнинг хажмлари (миқдори) рўйхати.**

«Sirdaryo IES» АЖнинг буюртмаларидан келиб чиқсан холда буюртмачи белгилаган сифат ва ўлчамларда юмшоқ ва қаттиқ жисмли мебеллар тўпламини ясаш ва ўрнатиш хизматларини бажариш бунда мебеллар учун керакли барча жихозлар Бажарувчи хисобидан амалга оширилади.

**10. Буюртмачи томонидан буюртирилган хизматларнинг мураккаблигидан келиб чиқсан холда иштирокчига қўйиладиган талаблар.**

10.1 Бажарувчи юқоридаги кўрсатилган хизматларни бажариш билан боғлиқ барча фаолият турлари учун зарур бўлган амалдаги лицензияларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юқоридаги хизматларни амалга ошириш учун зарур бўлган рухсатнома ва ваколатларга эга бўлиши керак.

10.2 Юқоридаги буюртмага хос равишда олдиндан бажарган ишлар юзасидан фото албом жамланмаси;

10.3 Бажариладиган ишлар сифат назорати ўтказилиши сабабли етказиб бажариладиган ишлар олдиндан тўловларсиз амалга оширилишига ёзма розилик хати;

10.4 Бажарувчи хизматлар сифати учун жавобгардир. Бажарувчи томонидан бажариладиган хизматлар Буюртмачи ва шартнома талабларига мувофиқ бўлиши керак.

10.5 Бажарувчи хизматлари сифати Буюртмачи томонидан сўралган хизматлар сифатига мос келмаган тақдирда Буюртмачи кўрсатилган хизматларга тўлов амалга оширмайди ва келишилган хизматлар суммасининг 40% миқдорида бир йўла молиявий жарима хисоблайди. Бажарувчи томонидан амалга ошириладиган хизматлар Буюртмачи томонидан берилган ёзма буюртмага асосан белгиланган муддатларда бажарилмаган тақдирда хар бир кечиккан кун учун 0.4% миқдорда лекин буюртманинг 50%дан ошмаган миқдорда пеня қўллади.

10.6 Бажарувчи ва Буюртмачи томонидан юқоридаги шартлар бажарилмаганлик ёки лозим даражада бажарилмаганлик бўйича этирозлар буюртмалар қабул қилинган кундан бошлаб ўн календар кунидан кечикмаган холда ёзма мурожат билан маълум қилинади.

10.7 Жарималарни ва пеняларни тўлаш айбдор томонни ўз мажбуриятларини натура шаклида бажаришдан озод қилмайди.

**11.Иш хизматларни бажариш муддати.**

Иш хизматларни бажариш муддати Буюртмачи буюртмасига мувофиқ 31.12.2022 йилга қадар амалга оширилади. Бунда Буюртмачи томонидан бериладиган буюртма муддати 10.12.2022 йилдан кечикмаслиги лозим.

**12.Хизмат сифатини таъминлаш талаблари.**

Кўрсатилган хизматларни сифатини текширишда Бажарувчи Буюртмачига юқоридаги шартларга мувофиқ жарима тўлайди.

**13. Буюртмаларни тақдим қилиш шартлари.**

Бажарувчига буюртмалар Буюртмачи томонидан чизмалари, ўлчамлари ва материал сифатига бўлган талаблар кўрсатилган холда буюртма бажарилиши лозим бўлган кундан 20 календар куни аввал ёзма тақдим этади.

**14. Ҳизмат якунида дакдим этиладиган ҳужжатлар.**

Бажарувчи томонидан иш ва ҳизмат яқунига етказилганидан сўнг қабул қилиш ва топшириш актини расмийлаштириб, имзоланган тартибда топширилиши шарт.

Бажарувчи ҳизмат бажарилгани тўғрисида ҳисоб фактура тақдим этиши шарт.

Бош хисобчи

С.А. Тошкулов

Техник ишлаб чиқариш бўлими

Г.А. Халназаров

Иқтисодий прогнозлаштириш  
бўлими бошлиғи

И.З. Марупов

Юрисконсульт

Б.А. Маматкулов

Сотиб олиш ва махсулотларни  
омборга жойлаштириш  
бўлими бошлиғи

У.Т. Маханов